

## Қўшма ўқув марказ тантанали очилди

Тажрибали, билимли ва салоҳиятли мутахассис доимо юрт эътиборида бўлиши тайин. Шу боис ҳаммасини кадрлар ҳал этади деган фикр бежиз эмас. Бу жамиятнинг ижтимоий асосларига, мамлакат тараққиётига дахлдор масаладир. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ўзининг илмий-назарий ва амалий кўникмасига эга бўлган кадр доимо зарур бўлиши ойнадек равшан....

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ ва сув хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда энг йирик таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳам доимо замонавий техника ва технологиялар асосида ривожланиб боради.

Ҳозирда Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур техника ва технологиялар билан ишлай оладиган муҳандис-кадрлар тайёрлашни талаб этади. Бу борада бизга нафақат АҚШда, балки бутун дунёда ўз илғор технологиялари ва замонавий техникалари билан таникли бўлган John Deere компанияси ҳамкорлик қўлини чўзди. John Deere компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дилери "Landtech" қўшма корхонаси билан меморандум имзоланиб, бу мақсадга эришиш йўлида амалий ишлар бошланди. Шунинг натижаси ўлароқ, жорий йилнинг 6 сентябрь куни Институтимиз В-ўқув биносида компаниянинг ўқув маркази ва техникаларга бой павильони фойдаланишга топширилди.

Бу тадбирда, ректор проф. Ўқтам Пардаевич Умурзаков, проректорлар Баҳодир Суюнович Мирзаев, Тоҳиржон Зокирович Султанов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири - Иномжон Уришевич Мажидов, "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ раиси - Нодир Собирович Атаджанов, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари -Эрик Салцман, John Deere компанияси CISEG GROUP раҳбари -Жейсон Хант, John Deere компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дилери "Landtech" қўшма корхонаси техник директори - Neal Kinsey ва бошқалар иштирок этишди.



ҚҲМ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ҳ. Бойматов ахбороти  
Институт матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов